



5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, кўрсатилган хизмат турини қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га кўрсатилаётган(бажарилаётган) хизмат турини бажариш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли кўрсатилмаган(бажарилмаган) хизмат тури тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бажарилмаган хизмат турини 1 кун ичида қайтадан бажариб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бажарилмаган хизмат тури баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Хизмат турини қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида хизмат турини қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тури аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Хизмат турини кўрсатиш(бажариш) вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1 % миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» хизмат турини тўлиқ бажармаганлиги учун «Харидор»га бажарилмаган ҳар кун учун хизмат тури баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги хизмат тури бажарилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорда пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бажарилмаган хизмат турини қайтадан бажаришдан бош тортса, «Сотувчи» 20 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Хизмат тури учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса маблағ миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» бажарилган(кўрсатилган) хизмат тури учун ўз вақтида тўлиқ тўлов амалга оширилмаган бўлса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га келиб чиққан зарар учун 50 % миқдорда жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга . Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланиб бюджет кодексининг 122- моддасига асосан Газначилик булими томонидан руйхатидан утгандан кейин юридик кучга эга булади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Ушбу шартнома Газначилиқда рўйхатдан олингандан кейин қонуний кучга киради.

11.3. Шартномага илова: ---

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

Мустафо Универсал тайёрлов хус кор	Харидор Висоли БУРА
Манзили: Урганч шаҳар Марказий Дех	Бажарилаётган 18.02
Тел/факс: +998977481144 +975121162	№/х/р100021860332367083620217001
х/р: 20208000400706693001	ИКН: 204757537. ОКОНХ!
Банк: АТ Алоқа банк Тошкент шаҳри	Алоқа 2020а ҳисоб варакети
МФО: 00401	р/с 23402000300100001010
ИНН: 304524049	ИКН: 201122919
ОКОНХ 81100	Марказий банк Ўзбекистон
	Қасб-қарғи қарғи қарғи қарғи

М.Ў. (Имзо) Хуқуқшунос:

Ходжаниязов Р.Б. (Ф.И.О.) М.АТАБАЙЕВ (Имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў. (Имзо)

И.И. Ибраҳимов (Ф.И.О.)

02.02.2022 йил.